Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 4 (9750). ● 1990 йил 5 январь ● жума ● Баҳоси 3 тийин.

• *Чирчиқ*

ХИТОЙ БУЮРТМАЧИЛАРИГА

● ҚАРДОШ Хитой Халқ Республикасининг қатор кимё саноати корхоналари Ўзбекистон химия машинасозлиги заводининг мижозлари ҳисобланишади. Улар заводга айрим асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича буюртмалар бермоқдалар. Икки ўртада тузилган шартномага мувофиқ ўтган йили хитойлик кимёгарларга ҳаммаси бўлиб 8 та ҳаво турбокомпрессори юборилди. Машинасозлар бундай агрегатларни тез ва сифатли бажаришга алоҳида эътибор бердилар. Шунинг учун ҳам уларнинг хитойлик мижозлари миннатдорчилик билдиришди.

• *Ангрен*

ЯХШИ БОШЛАШДИ

● ИЎЛДОШ Эргашев бошчилик қилаётган хўжалик ҳисобидаги участка Ўзбекистон шахта қурилиши трести бўлинмаларининг илғорларидан ҳисобланади. Унинг байналмилал коллективи зиммасидаги вазифаларни муваффақиятли уддаламоқда. Социалистик мусобақани муттасил такомиллаштириш, ишчи-хизматчиларнинг социал ва маданий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили планини муддатидан икки ой илгари бажариш, қўшимча 500 минг сўмлик атрофида бунёдкорлик ишларини амалга ошириш имконини берди.

Коллектив янги йилни ҳам яхши бошлади. Дастлабки кунлардан барча иншоотларда фидокорона меҳнат ҳукм сурмоқда. Смена топшириқлари доим зиёдаси билан адо этилаяпти. Бунда И. Иўлдошев, Н. Грачев, О. Мусаев, Б. Содиқов каби ишчи-хизматчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Вилоят саноат корхоналаримида

• *Бекобод*

МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

● ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводининг сирланган идишлар ишлаб чиқарувчи цехи коллективи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш қатори сифатини ҳам ошириб бормоқда. Бу ерда тайёрланган турли-туман кастрюлкалар, тоғоралар, лаганлар ва бошқа шу каби идишлар харидорлар томонидан кўплаб сотиб олинмоқда.

Цех маҳсулотига чет эл мамлакатларидан ҳам тобора кўпроқ буюртмалар тушмоқда. Биргина ўтган йили бир неча миллион сўмлик сирланган идишлар ҳорижга жўнатилди. Мижозлар орасида Польша, Венгрия, Миср ва бошқа мамлакатлар бор. Коллектив янги йилнинг дастлабки кунларидан чет эллдан тушган буюртмаларни бажаришга киришди. Бу йил ҳам миллионлаб сўмлик маҳсулот экспорт қилинади.

УРУҒ ТАЙЁРЛАШГА КИРИШИЛДИ

СОҒЛОМ дала, сара уруғ, деҳқоннинг омилкорлиги ва фан ютуқларини қўллай билиш экинлардан мўл ҳосил олиш гаровидир. Бу масъулиятни чуқур ҳис қилган вилоятимиз пахтакорлари ҳам ҳозирдан бошлаб зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ уруғлик чигит тайёрлашга киришилди.

Деҳқонларнинг истаклари ҳисобга олиниб, бу йил асосий майдонларга пахтанинг асосан С-6524, С-4880, АН-Боёвут-2 навлари чигитини экиш мўлжалланмоқда. Ана шу нав пахталарнинг чигити уруғидан резерви билан ҳисоблаганда 13 минг 327 тонна тайёрланиши керак. Мўлжал бўйича бу иш узоғи билан 1 мартгача тугалланиши кўзда тутилган.

Айни пайтда заводлардаги барча куч, техника, имконият воситалари ва тайёргарлик ишлари ана шу мақсадга қаратилгандир. Жумладан, Алимкент пахта тозалаш заводи 15 февралгача 2 минг 117 тонна, Чиноз заводи 2 минг тоннадан ортиқ, Бекобод заводи 1066 тонна, «Қорасув» заводи 2 минг тонна уруғни саралаб беради. Бу соҳадаги ишлар кучайтириб юборилди. Лабораториялардаги асбоб-ускуналар сифатли созлаб қўйилганди. Мутахассислар назорат-текширувни амалга ошира бошладилар. Шу кунга қадар 4 минг тоннага яқин уруғлик чигит тозаланиб, дорланмоқда.

Яна беш-ўн кундан сўнг колхоз ва совхозлар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган уруғлик чигитни ташиб олиб кетабошлайдилар. Энди бундан буёнги тадбирлар эса саноатчиларнинг меҳнатини юзага чиқаришга қаратилган бўлиши даркор. Бу деҳқонларга боғлиқдир. Ташиб келтирилган уруғликлар махсус хоналарда, сифатли қилиб ва қуруқ ҳолда сақланиши зарур. Ана шундагина у униб чиқиш хусуситини сира йўқотмайди, қулай кунлар бошланиши биланоқ бу уруғликларни далага олиб чиқиб экишга бемалол киришиш мумкин бўлади. Деҳқонларимиз, албатта, бу ишнинг уддасидан чиқадилар.

Н. ИСАЕВ.

• *Жой номларини белгилаш комиссиясида* •

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР НИМА ДЕЙСИЗ?

Азиз ҳамшаҳарлар!

Маълумки, ҳар бир шаҳарнинг ҳуснига ҳуси қўшадиган ўз меъморчилик обидалари, табиат инъом этган гўзал манзилгоҳлари мавжуд. Шаҳарнинг чиройи ҳақида гап кетганда унинг жой номлари алоҳида мавзу бўла олади. Жой номларининг гўзаллигини оширувчи яна бир манба бу — номларнинг ўйғунлигидир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитаси ва унинг жой номларини белгилаш комиссияси қуйидаги масалалар бўйича сизлардан фикр билдиришларингизни сўрайди.

1. Яқинда улуғ адибимиз, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги проспекти» «Абдулла Қодирий кўчаси» деб қайта номланди. Шу кунларда ёзувчининг 1994 йилда бўладиган 100 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Ушбу анжуман ва номлар ўйғунлиги деган фикрдан келиб чиқиб, «А. Қодирий» ва «Ойбек» кўчалари кесиштирувида жойлашган Ғ. Ғулом номли майдонни Абдулла Қодирий майдони деб; Ўша «Ғафур Ғулом» метро бекати таъмирланиб, А. Қодирий номли бекат деб қайта номланса:

2. Академик шоир Ғафур Ғулом номи эса Муқимий ва Ғ. Ғулом кўчаларини туташтирувчи Чилонзор ноҳиясидаги «Оқтепа» майдонига берилиб, шу ерда Ғ. Ғулом ҳайкали ўрнатилса; келгусида қурилаётган метро бекатларидан бири унинг номи билан аталса.

3. К. Маркс кўчасининг «Инқилоб ҳиёбони»дан «Сельмаш» кўчасигача бўлган қисми Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи билан қайта номланса. Чунки кўчанинг бу қисми Ҳамза ноҳияси ҳудудида бўлиб, шу ерда шоир ҳайкали ўрнатилган. Келгусида Ҳамза ноҳияси партия қўмитасининг янги биноси ҳам ўша мавзега қурилиши кўзда тутилган.

Юқорида қайд этилган тадбирлардан мақсад — фақатгина номларни ўйғунлаштириш учун бўлмай, балки пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг шаҳар майдонлари, кўчалари ва ёдгорликларига боришлари қулай бўлиши ҳам ҳисобга олинган.

Бизнинг таклифлар бўйича 1990 йилнинг 30 январидан кечикмай ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборасизлар деган умиддамиз.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, Пролетар кўчаси, 6. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Жой номларини белгилаш (топонимия) комиссияси.



ВЕТЕРАН ВЕТЕРАН ҲАҚИДА

АБАДИЙЛАШТИРСА АРЗИЙДИ

Кўкча даҳасининг кексалари Сайфиддин Жабборовни яхши эслашади. У 1880 йилда шу даҳадаги Қизил Шарқ маҳалласида таваллуд топган эди. Бухородаги эски мактабни тамомлагач, яна Тошкентга қайтиб келиб Муҳтарама Сафаралиева билан турмуш қурган эди.

Орадан кўп ўтмай камбағалларнинг фарзандларини мардикорликка олиш бошланди. Сайфиддин эса бунинг ҳунук оқибатларини олдиндан сезиб, йигитларни мардикорликка юборманглар, деб жар солди. Шунинг учун ҳам уни ушлаб зиндонга ташлашди.

Инқилоб йиллари Сайфиддин оқ-қорани яхши таниганлиги учун ҳам янги замон истиқболини биринчилар қаторида кўра билди. 1918 йилда большевиклар партияси сафига кириб аксилинқилобчиларга қарши курашга отланди. У Тожикистоннинг Болжувон, Хосимойи қишлоқларини, жумҳуриятимизнинг бир қатор мавзеларини босмачилардан тозалашда иштирок этди. Лекин жангларда қаттиқ яралангач, яна Тошкентга қайтиб келишга мажбур бўлди. Бу ерда дастлаб қўшчилар уюшмасига бошчилик қилди, кейинчалик уезд ижроия комитети раиси вазифасида ишлади.

У ноҳақликларга ҳеч чидай олмасди. Ўша кезларда бойларга қўшиб камбағалларни ҳам, ўрта ҳол деҳқонларни ҳам қулоқ қилиш авжига минган эди. Шу тўполонда маҳаллий ҳокимият ваколатидан бири Қизил Шарқ маҳалласидан ҳам бир камбағални қулоқ қилиб Сибирь томонга бадарға этган эди. Бундан хабар топган Сайфиддин Жабборов қаттиқ ғазабланди ва ҳақиқатни тиклашга отланди. Сибирга бориб ўша одамни тутқунликдан озод этди. Бу воқеани қариялар яқин-яқинларгача эслаб юришарди.

Сайфиддин ака кейинчалик партия, совет, хўжалик ишларида меҳнат қилди. Рус, тожик, татар тилларини яхши билган таржимон сифатида танилди. 30-йилларнинг бошларида эса Бешёғочда чарм комбинатини бунёд этиш ташкилотчиларидан бири бўлди. Очарчилик йилларида ўзига тўқ хонадонлардан хайриялар йиғиб, ночорларга тарқатди. Шу тариқа кўплаб етим-есирларнинг жонини сақлаб қолди.

Элсевар, халқпарвар большевик С. Жабборовнинг умри қисқа экан. У 1934 йилда вафот этди ва Кўкча қабристонига дафн этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти берган ҳужжатларда Сайфиддин Жабборов Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишда фаол иштирок этган киши сифатида тасвирланади. Лекин турғунлик йилларида унинг номи унутиб юборилди. Онласига келиб турган нафақа, турли хил саналар муносабати билан юборилган табрикномалар тўхтаб қолди. Сайфиддин Жабборовнинг ҳаёт йўли билан ҳеч ким қизиқмай қўйди.

Ҳозирги пайтда ҳақиқат ўз ўрнини топаяпти. Унутилган номлар тикланаяпти. Совет ҳокимиятини ўрнатишда жон фидолик қилган Сайфиддин Жабборов номини ҳеч бўлмаганда ўзи туғилиб ўсган Қизил Шарқ маҳалласига бериш, қабрига ёдгорлик ўрнатиш, йиғинларда эслаб туриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Икром ҚОБИЛОВ,
меҳнат ветерани.

ЭСКИ «КАСАЛ»

Мен пенсионерман. Газета-журналлар эрмагим. Пенсия пулимни иқтисод қилиб ҳар йили бир қатор нашрларга обуна бўламан. Бир кун газета-журнал ўқимасам, бирон нарсасини йўқотган одамга ўхшаб қоламан. Ўқиб бўлгач барча нашрларни саранжомлаб, тикиб қўяман.

Лекин ўтган йили газеталарнинг биронтасини ҳам тўла ололмадим. 14-Марказ мавзесига хизмат қиладиган 11-алоқа бўлимига чиқиб бир неча бор эътироз билдирдим. Дардимни почтальонга ҳам, алоқа бўлими бошлиғининг ўринбосарига ҳам айтдим. Лекин фойдаси бўлмади. Ноябрь ойида «Известия» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталарининг учтадан сонини ололмадим. Декабрь ойида эса «Тошкент ҳақиқати» умуман келмай қўйди. Почтальон баъзан бошқа газеталарнинг уч кунлигини битта қилиб олиб келади.

Алоқа бўлими ходимларининг гапига қараганда газеталар тўлиқ келмас экан. Шу боиса эътиборсизлар бизга эмас, босмахонага билдиринг, дейишди. Наҳотки, босмахонада газета сонларидан «уриб» қолишса.

1990 йил учун ҳам бир қатор газета-журналга обуна бўлдим. Лекин йилнинг дастлабки кунлариданоқ яна эски касал қўзиляпти. Газетасиз қолаётган фақат мен эмасман. Бошқа қўни-қўшнилар ҳам газеталарнинг вақтида ёки умуман келмаётганлигидан нолимоқдалар. Бу аҳволда келаси йил матбуоти учун одамлар обуна бўлишармикан?

Рихсихон ПЎЛАТОВА,
пенсионер,
Тошкент шаҳри.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Қишлоқ хотин-қизлари ҳузурида

● ПАРКЕНТ ноҳиясидаги Энгельс номли совхозининг Ҳисорак қишлоқ маданият уйида янги йил арафасида қишлоқ аёлларининг учрашуви кечаси бўлиб ўтди. Мазкур учрашувни совхоз хотин-қизлар кенгашининг раиси Н. Каримова очиб, қишлоқ хотин-қизларининг бугунги аҳволи, янги урф-одатларни ҳаётга тадбиқ этиш тўғрисида гапирди. Сўнгра турли мавзуларда савол-жавоблар бўлиб ўтди. Шоиралардан Г. Йўлдошева билан Ф. Усмонова ўз шеърларидан ўқиб беришди. Ўзбекистон тарих ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамиятининг вилоят бўлими қошида ташкил этилган «Ёдгорлик» фольклор-этнографик ансамбли қатнашчилари ўз санъатларини намойиш этишди.

Г. ҲУСАНОВА.

Байрам арафасида очилди

Калинин ноҳиясидаги Назарбек қишлоқ Совети ҳудудида жойлашган маданият уйи бир неча йилдан буён жуда ноқулай, хоналари тор, бир амаллаб мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келарди. Ниҳоят байрам арафасида назарбекликлар ажойиб совға олдилар. Бу ерда янги маданият уйи қуриб битказилди. Унинг тантанали очилишида совхоз ишчилари, меҳнат ветеранлари, ўқувчи ёшлар, бадиий ҳаваскорлар қатнашдилар.

— Маҳалламизда янги маданият уйининг очилиши бизни жуда хурсанд қилди, — дедим тантанада сўзга чиққан Почта маҳалла комитетининг раиси М. Қўзиев.

З. ЖУРАЕВА.

«Наштар»нинг навбатдаги сони

«Алоқалар», «Ноёб қадр», «Омади келди», «Одатнинг қудрати». Бу «Наштар» ўзбек сатирик киножурналининг навбатдаги 156-сонига киритилган 4 сюжетнинг номлари. Уларнинг айримлари билан таништириб ўтамиз.

«Алоқалар» сюжети ўзининг оддийлиги билан ажралиб туради. Бир корхона раҳбарига телефон орқали қўнғироқ қилиб, танишларини ишга жойлаб қўйишин сўрашади. Хўш, буни қандай амалга ошириш керак? Унинг барча ходимлари таниш-билиш орқали ишламоқда. Йўли битта. У ҳам бўлса ўзи ариза ёзиб ишдан бўшаши керак.

«Ноёб қадр»да эса ёш мутахассисларнинг билим савияси пастлиги сабаблари экран орқали томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Л. ГЛАУБЕРЗОН.

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

ҚАДИМИЙ ШАҲРИСТОН ХАРОБАЛАРИ ТОПИЛДИ

ҚОҲИРА, (ТАСС). Миср ишлаётган археологлар Янги йил арафасида яна бир қадимий шаҳар жойлашган ерни топдилар. Француз мутахассислари машҳур Карнак шимолида эрамиздан аввалги 1800 йилда бунёд этилган иншоотларнинг қолдиқларини қазиб топдилар.

Топилмалар орасида нон ёпиладиган пой тандирлар бор. Улар Европада ҳозирги кунда ишлатиладиган тандирларни эслатади. Нил водийсида қадим замонларда яшаган кишининг мактуби ҳам бизга мозийдан етиб келди — бу киши Ер юзида қилган саҳоватли ишлари учун маъбудадан нарига дунёда жаннат ато этишини илтимос қилади.

«Ижипши газетт» рўзномаси археологларининг шу кашфиёти ҳақида хабар берди.

ПЕШОВАРДА НАМОЙИШ

КОБУЛ, 3 январь. (ТАСС). Покистонинг Пешовар шаҳрида Исломободнинг Афғонистон республикаси ички ишларига аралашувига қарши жамоатчиликнинг оммавий намойиши бўлиб ўтди. БАХТАР агентлигига келаётган маълумотларга қараганда намойиш қатнашчилари Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этишдан бош тортаётган Афғон ҳукуматига қарши кучлар раҳбарлари тутаётган йўлни қоралашдилар. 20 мингдан ортиқ киши қатнашган намойиш сафларида афғон қочоқларининг вакиллари ҳам бор эди. Улар исёнчилар томонидан дўқ-пўписа қилинганига қарши намойишда иштирок этдилар. Покистон ҳукуматига йўлланган ва «еттилар уюшмаси»га қурол-яроғ етказиб бериш тўхтатилиши ҳамда қўшни мамлакатда тинчликни тиклаш учун реал тадбирлар кўриш талаб қилинган мактуб маъқулланди.

«Афғонистон-Ислом жамияти»нинг 40 кишидан иборат отряди Саманган вилоятида давлат ҳокимияти томонига ўтди.

Афғонистон республикаси ташқи ишлар министри БМТ миссиясига яна иккита нота юборди. Нотада Покистон томони Женева битимлари қоидаларини бузаётганлиги айтилади.

40 ДАН ОРТИҚ КИШИ ЯРАДОР БЎЛДИ

ҚОҲИРА, (ТАСС). Янги йилга ўтар кечаси Ғазо минтақасидаги неча ўн минглаб фаластин аҳолиси оммавий намойишга чиқди. Фаластинликлар репрессияларнинг тўхатилишини, босиб олинган ерлардан барча Исроил қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини ва ўз тақдирини ўзлари ҳал этиш имконияти берилишини талаб қилдилар.

Намойишчиларга қарши истилочиларнинг армия қисмлари ташланди. Аскарлар қуролсиз арабларга қарши бир неча бор ўқ уздилар. 40 дан кўпроқ киши яраланди, неча ўнлаб одамлар кўздан ёш оқизадиган газдан заҳарланиб касалхонага ётқизилди.

Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Рамаллах ва Тулкарм шаҳарлари Янги йил кечаси норозилик намойишларининг марказлари бўлди. Тулкарм яқинида Исроилга қарши митинга йиғилган минг-минглаб одамлар истилочи маъмурларнинг тарқалиб кетиш тўғрисидаги талабларига бўйсунмадилар. Намойишчиларга қарши ташланган армия бўлинмалари қурол ишлатишди, 17 фаластинлик яраланди.

● ГДР. Мамлакат ва жамиятда кескин ўзгаришлар рўй берди. Уни пастдан бошланган инқилоб деб аташмоқда. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатнинг минглаб граждан-лари ҳал қилувчи сиёсий кучга айландилар. Улар янгиланиш, демократик социализм, мустақил суверен республика, СССР билан иттифоқ йўлини танладилар.

Суратда: одамлар оқими.

ТАСС фотохроникаси.

СОВУҚДАН НОБУД БЎЛИШМОҚДА

МЕХИКО, (ТАСС). Гватемала пойтахти ва унинг атрофидаги 4 мингдан кўпроқ бошпанасиз қолган бола совуқдан нобуд бўлиши мумкин, деб уқтирди Лотин Америкасидаги ана шу мамлакат соғлиқни сақлаш министри Карлос Гелерт Матта. Гватемала об-ҳавони кузатиш марказидан хабар беришларича, ҳозир мамлакатда совуқ бўлиб тургани оқибатида ўтган ҳафтада 52 киши нобуд бўлди.

Министрнинг гапларига қараганда, болаларнинг аҳволи жуда ёмон. Кўпчилик болалар ертўлаларда, томларнинг тагида, баъзан эса кўчаларда устларига латта-путта ва қалин қоғозлар ёпиб ухлашмоқда.

А. МАТИСС АСАРЛАРИ ЎҒИРЛАНДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Атоқли француз мусаввири Анри Матисс ўз умрининг охирги йилларини ўтказган Ницца-даги уйидан унинг сакиизта асарини ўғирлаб кетишди.

Полициячиларнинг хабар қилишларича, ўғрилар сув қувури орқали иккинчи қаватга кўтарилган ва дераза ойнасини синдириб бино ичига киришган. Улар устара ёрдамида асарларни ромларидан қирқиб олишган. Устара жиноят содир этилган жойда қолдириб кетилган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ўғрилар тахминан 75 миллион франк турадиган расмларни ўмариб кетишган.

• *Халқ номзодлари*

БОБОДЕҲҚОН

Ҳеч кимга сир эмас, у ёки бу корхона, коллектив, хўжаликда ишнинг яхши бўлиши кўп жиҳатдан раҳбарга, унинг уддабуролиги, одиллиги, уқувига боғлиқ. Буни яхши биламиз. Биламиз-у, ана шундай раҳбарларни руҳлантириш, рағбатлантириш ҳақида гап боргудек бўлса эҳтиёткорлик қиламиз. Шунга бизни ўргатиб қўйишган, даъват этишган. Оддий колхозчи, бригадир, сут соғувчи ҳақида кўпроқ ёзган маъқул. Ҳамма ишни, меҳнатни ўшалар қилишади, дейишарди. Бу гапда ҳам жон бор. Лекин нега ана шу оддий одамлар, меҳнаткашлар тўғрисида қайғурадиган, қайишадиган, доимо улар тўғрисида ўйлайдиган, бойлик яратаётган азаматларга хизмат қилишни, уларнинг турмуш тарзини яхшилашни ўзининг ҳаётий мазмуни деб биладиган хўжалик раҳбарлари тўғрисида ёзмаслигимиз керак. Улар озмунчами?

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси Сиддиқ Муҳаммаджоновни ана шундай раҳбарлардан деб биламан. Шунинг учун ҳам халқимиз уни 114-Киров сайлов округидан жумҳурият халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Шу муносабат билан раиснинг ишлари, ҳаёти, режаси билан танишишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

— Раҳбар бўлиш осонми? — сўрадим Сиддиқжон акадан.

— Айримлар ўйлаганидек, осон эмас, — дейди у кулиб.

Шунда бир воқеа ёдга тушди. Бу вилоятимиздаги бир хўжалик раҳбари сайлови билан боғлиқ воқеа эди. Зал одамлар билан тўла. Юқоридан келганлар 2-3 номзод ҳақида фикр-таклиф айтишди. Лекин шу пайт олдинги қаторда ўтирган ўрта бўйли, қотмадан келган йигит минбарга отилиб чиқди. У хўжаликда раис ўринбосари бўлиб ишлар эди.

— Мени раис қилиб сайланглар, — деди у. — Ҳамма ишларингизни, айтганларингизни қилиб бераман.

Залга бир зум сукунат чўкди. Кўпчилик ҳайратдан ёқа ушлаётган эди. Нима деяпти ўзи, ўйлаб гапираяптими, ҳозирги ишини эплолмаяптику. Қандай қилиб уни...

Шунда кимдир:

— Сиз ҳали раҳбар бўлишга лойиқ эмассиз, — деб залдан луқма ташлади. У мулзам бўлиб тушиб кетди.

— Ҳа, шунақалар ҳам учрайди ҳаётда, — деди Сиддиқ ака.

— Ўзингиз қандай қилиб раис бўлиб қолгансиз?

— Жуда ғалати бўлган, — деди у. — Ўшанда колхозда агроном бўлиб ишлардим. Бир ҳафта қочиб юрганман.

Обкомнинг биринчи секретари суҳбатига бордим. У мени раисликка тавсия қилишаётганлигини айтди. Лекин кўнмадим.

— Нега?

— Ҳали ёшман, тажрибам йўқ, эплолмайман.

— Бу қанақаси бўлди? — деди обком секретари бироз жаҳли чиққандек, — 29 ёшга чиқибсан-у, ёшман дейсан. 40 ёшга кирганда қарисанг. Унда буёғи нима бўлади.

Гапнинг рости, нима деб жавоб беришни биролмай лол бўлиб қолдим.

— Майли, кетавер, — деди секретарь, — сенга бир ҳафта муҳлат. Яхшилаб ўйла.

Мени тавсия қилганлар роса уялтириб, қистовга олишди. Нега ундай қилдинг? Ахир раис бўлиб туғилмайдилар-ку! Ўрганиб кетасан. Хўп деявер. Халқ сени деяпти.

Бир ҳафтадан кейин обком секретари яна чақирди. Розилигимни айтдим. Ёрдам берсаларингиз бўлгани дедим.

— Бу бошқа гап. Лекин дадил бўл. Оқ йўл сенга, — деди у...

— Нега чўчигансиз ўшанда?

— Отам ҳам бир неча йил раис бўлганлар, — деди Сиддиқ ака. — Қачон қарасам ишда бўлардилар. Даладан бери келмасдилар. Онамлар: сиз ҳам бундай одамларга ўхшаб вақтлироқ келиб, бола-чақаларингизни бағрингизга олиб чақ-чақлашиб ўтирсангиз бўлмайдими? — деб зорланардилар. Шунда отам:

Кўпга бош бўлиш осонми. Бири у иш билан келади, бири бу юмуш билан. Ҳаммасига ўзига яраша билиб муомала қилиш керак, кўнглини олиш керак, ҳожатини чиқариш керак. Ҳеч кимни ҳафа қилиб чиқариб юборишга ҳаққим йўқ. Шунинг учун доим улар билан бирга бўлсам, бирга нафас олсам дейман. Акс ҳолда эл назаридан қолади киши. Назардан қолиш эса... ўзинг биласан.

Бу гаплар сира-сира ёдимдан чиқмайди.

Мана, раис бўлганимга 37 йил тўлибди. Ҳамиша отамнинг ўгитларига, насиҳатларига амал қилиб иш тутишга ҳаракат қилиб келаяпман...

Эндиги гапларни яхшиси колхозчи-деҳқонлар, одамларнинг ўзидан эшитайлик.

Жалил **Мажидов:** собиқ бригадир, колхоз ишлаб чиқаришининг фаолларидан.

— Раисимиз ҳалол, покликни ёқтирадилар. Ғирром ишларни жинлари суймайди. Жуда кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлганман. Мана улардан бири. Мен у маҳалда бригадир эдим. Омборхонага маҳсулот олиб боргандим. Мен билан бирга бошқа бир бригадир ҳам катта аравада сабзи олиб келди. Торттирди. Айтилган ерга ағдарди. Сабзини кўриб раснинг хуноби ошди. Ичида ярайдигани деярли йўқ. Қинғир-қийшиқ сабзилар эди. Наҳотки ҳамма ҳосилингиз шунақа бўлса?!

— Энди раис бува, уруғ айниган чиқиб қолди-да, — деди у ясама тавозе билан.

— Шундайми, деди раис. Ва бригадини гапга солди. Бу орада икки киши бориб ўша бригадирнинг даласидаги аҳволни кўрди. Буни қарангки, у ерда силлиқ, бир текис сабзилар алоҳида ажратиб қоплаб қўйилганди.

— Ўзингиз айниган экансиз,—деди раис, — бундан кейин сизга ишонмаймиз, сиз билан ишлай олмаймиз.

Бу менга ҳам, бошқаларга ҳам катта сабоқ бўлган эди.

Йўлдош **Эргашев:** оилавий пудратчи. — Асли шаҳарликман. Бундан 14 йил илгари деҳқончиликни орзу қилиб, шу колхозга келдим. У маҳалда ҳаммаёқ ўнқир-чўнқир, бийдек дала эди. Атрофга қарасангиз вақмингиз келарди. Кўплар: э, бу иш бизга тўғри келмайди, деб кетиб қолишди. Мен ҳам иккиланиб юрардим. Кунлардан бир кун раис келиб қолди. Худди кечагидек эсимда. У катта ўрик тагидаги ариқ устига қурилган омонатгина шийпонда бизлар билан дилдан суҳбатлашди. — Ҳали кўрасизлар, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ўша кетиб қолганлар пушаймон қилишади. Айтганларидек бўлди. Яхши ишлаган эдик, томорқа ери беришди. Яна ҳам астойдил меҳнат қила бошладик. Уйли-жойли бўлдим. Ҳаётимдан хурсандман. Ҳаммасида раиснинг қўли бор. Етти фарзандим бор. Учтаси ўғил, уйли-жойли. Болачақаларим, келинларим билан биргаликда пудрат бўлиб ишлаяпман. Турмушимиздан нолишга ҳаққим йўқ. Хуллас, айтмоқчиманки, раисимиз меҳнат қилган одамнинг қадрига етар эканлар.

Самиғ **Усмонов:** колхозчи. — Асли шу ерда туғилиб ўсганман. Отам ҳам деҳқон бўлган. Барака топсин раисимиз. Ҳамиша бошимизни силаб келдилар. Энг муҳими бизга доимо тўғри йўл кўрсатдилар. Отам қилмаган яхшиликни қилдилар десам ишонаверинг. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайдилар. Қийналиб қолсак, зудлик билан ёрдам берадилар. Шу кишининг далдаси билан уйлижойли бўлдим. Фарзандларим бирин-кетин вояга етаяпти. Раиснинг камтарлиги, ҳамма учун бирдек меҳрибон, самимий раҳбарлигига ҳавасим келади. Шу туфайли ҳам ният қилиб энг катта ўғлимнинг отини Сиддиқжон қўйганман.

Баҳодир **Эгамбердиев:** колхоз иқтисодчиси.

Бу ҳодисага 5-6 йилдан ошиб қолди. Бир куни раисимиз ҳафа бўлиб келиб қолдилар: «Колхозчиларга пулни ортиқча бериб юборган эмишман. Улар бойиб кетишган эмиш. Ҳамма данғиллама участкада яшармиш. Шу ҳам гап бўлдими, меҳнат қилгандан кейин шунга яраша яшаш керак-да! Ахир, партиямиз айтаяпти-ку, инсон омили тўғрисида ўйлаш керак, деб». Бизлар раисимизнинг ҳақлигини айтдик. «Ахир сизда ҳеч қандай айб йўқ. Колхозчи яхши турмуш кечирсин, деб ҳаракат қилаяпсиз. Буни ҳамма билади» дедик.

Кўп ўтмай ўша раҳбарлар ўзгарди. Эркинлик шабадаси эса бошлади. Раисимизнинг тутган йўли маъқулланди. Ибрат қилиб кўрсатилди. Мен у кишини бош иқтисодчи, бош бухгалтер деб биламан. Доим тайинлайдилар. Колхозни барака дарёси деймиз. Лекин бу дарёдан олинадиган сув ҳам ҳисоб-китобли бўлмаса, у қуриб қолади. Бу сиз билан бизга боғлиқ. Ўзлари айтганларига доим амал қиладилар. Ҳар бир бригада, ҳар бир коллективда вақти-вақти билан ҳисобот ишларини ўзлари назорат қиладилар. Шу туфайли ҳам йил охирига келганда ҳамма нарса ойнадек равшан бўлиб қолади. Кимнинг қандай ишлагани, қандай даромад олганлиги, қандай камомадга йўл қўйганлиги. Бу ҳисобот йиғилишини ҳар йили январь ойнинг бошларида ўтказиш имконияти беради.

Ўтган йили 5 миллион 800 минг сўм даромад олинди. Шунинг 1 миллион 750 минг сўми соф фойда. Хўжалигимиз юксалиб, қишлоғимиз обод бўлиб бораётганлиги ана шундан. Ҳозир битта ўрта мактаб, иккита болалар боғчаси ишлаб турибди. Замонавий типда қурилган касалхона колхозчилар хизматида. Бир колхозчининг ўртача ойлиги 270 сўмга тўғри келмоқда. Халқ соғлиғи тўғрисида астойдил қайғураётганлиги учун у кишига СССР медицина хизмати аълочиси, мактаб, боғча, ясли тармоқларини кенгайтирганликлари учун Халқ маорифи аълочиси унвони берилган. Ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ съездида делегат бўлиб иштирок этдилар.

Ҳамма хонадонлар газлаштирилган, сув билан таъминланган. Кўчаларга асфальт ётқизилган. Булардa ҳеч шубҳасиз раисимизнинг ташкилотчилик роли каттадир.

Халқ баҳоси —бу одил баҳодир. Изоҳга ҳожат йўқ.

— Лекин ҳали олдимизда катта вазифалар турибди, — деди раис. — Ёрдамчи цехларни кенгайтиришимиз, маҳсулот сақлайдиган омборхоналар қурилишини давом эттиришимиз керак. Қисқаси етиштирган маҳсулотнинг бир қисмини ўзимизда қайта ишлаб сўнг халққа манзур қилишимиз лозим. Хўжалик ҳисоби ана шуни талаб этади. Биз бу йўлда бир қатор режаларни амалга оширамиз. Ҳаммаси қилса бўладиган ишлар. Чунки ориятли, соф виждонли деҳқонларимиз, чорвадорларимиз, боғбонларимиз бор.

— Агар депутат бўлиб сайланиб қолсангиз қандай ишларни амалга оширмоқчисиз?.

Раис бироз ўйланиб қолди.— Ҳозирги депутатга анча қийин бўлади, — деди у, — чунки бир вақтлари депутатнинг ҳуқуқи, бурчи оғизда бор-у, амалда йўқ эди. Унинг гапига кўп ҳам қулоқ солавермас эдилар. Депутатлар ҳам шунга кўникиб қолишганди. Энди бундай депутатни халқ дарров чақириб олади. Ўрнингизни бўшатинг дейди. Демоқчиманки, талаб катта бўлади. Менинг биринчи галда қиладиган ишим — бу одамларга яхшилик қилишдир. Бизда-ку, газ, уй-жой, сув, медицина хизмати муаммолари бир қадар ҳал этилган. Лекин округга кирадиган шундай хўжаликлар борки, улардаги халқнинг турмуш даражаси жуда ночор. Ҳатто сувни ҳам ташиб келтирадилар. Газ келишини орзу қиладилар. Мен биринчи навбатда халқнинг ана шу соҳадаги талабларини қондиришга ҳаракат қиламан.

Яхши ният, улуғ ният. Мен ўйлайманки, бундай олижаноб ниятли одамларни эл ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

Н. РИХСИЕВ.

● **АБДУҲОЛИҚ Эшбоев номини Оққўрғондаги автотранспорт парки коллективи ҳурмат билан тилга олади. Йигирма йилдан бери йўловчиларга хизмат кўрсатиб келаётган бу тажрибали шофёр ўзининг фидокорона меҳнати билан шунга эришган. У топшириқларни 110 процентга етказиб бажармоқда. Ушбу суратда А. Эшбоевни (ўнгда) шогирди Ҳафиз Эшматовга оқ йўл тилаётганда кўриб турибсиз.**

А. ЭРГАШЕВ сурати.

АҲОЛИ БИЛАН БАМАСЛАҲАТ

• *Сайловдан сайловгача*

ЕТМИШ йиллик тажрибадан маълумки, совет органлари маъмурий-буйруқбозлик иш услубига ўта бериб, халқ оммасидан қанчалик йироқлашса, обрў-эътибори шунчалик пасайиб, назардан қолиб борди. Аҳвол шу даражага етдики, партиянинг ўзи советларнинг аввалги мавқеларини қайта тиклаш ташаббусини бошлаб беришга мажбур бўлди.

Ҳозир аниқ-равшан кўриниб турибдики, советларнинг мавқеини тиклашнинг асосий йўли — уларнинг халқ билан узилиб қолаёзган алоқасини қайтадан изга солиш, омма орасига тобора кириб бориш, аҳоли билан мунтазам бевосита мулоқотда бўлиб туришдир. Оҳангарон ноҳия Совети ижроия комитети вилоятда биринчилардан бўлиб шундай тадбирларни амалда қўллашга киришди.

Халқ депутатлари ноҳия Совети ижроия комитетининг ташаббуси билан ижроком ҳамда унинг бўлим ва бошқармалари раҳбарларининг ноҳия қишлоқларида социал масалаларни ҳал этиш мақсадида аҳоли билан бевосита амалий мулоқоти ўтказиб борилмоқда. Ҳафтанинг ҳар жума кунига белгиланган бундай амалий мулоқотларда тегишли соҳаларнинг раҳбарларидан ташқари ҳамма қизиққан кишиларнинг иштирок этишлари мумкин.

Учрашувларни тайёрлаш ва ўтказиш тартиблари қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Ноҳия ижроия комитетининг бўлим ва бошқармалари раҳбарлари жума кунлари эрта билан белгиланган қишлоқ Совети ижроия комитети биносида тўпланишади ва ўзаро келишиб қишлоқларга, аҳоли истиқомат жойларига тарқалишади. Улар ўзлари борган жойларида ичимлик сув, газ, электр қуввати таъминотини, касалхона, амбулатория, фельдшер-акушерлик пунктларидаги шарт-шароитларни, моулажа савиясини, врачлар ва бошқа медицина ходимларининг малакасини, мактаб ва боғчалардаги аҳволни, маданий-маиший ва савдо хизмати, уй-жой қурилиши, уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар ҳамда байналмилал жангчиларга моддий-маънавий ёрдам ва бошқа соҳалардаги аҳволни кўздан кечирадилар, аҳолининг ана шу ижтимоий муаммоларни ҳал этиш хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганадилар. Куннинг иккинчи ярмида қишлоқ Совети ижроия комитети биносида аҳоли вакиллари билан амалий мулоқот бошланиб, шу қишлоқ Совети ҳудудидаги ҳамма соҳа бўйича аҳвол кенг муҳокама қилинади. Аҳолини қийнаётган кундалик энг зарур нарсалар, етишмовчилик ва шу каби муаммоларни бугун-эрта ҳал этиш чоралари кўрилади, мураккаброқ муаммодларнинг ечими хусусида ҳам имкониятлар даражасида маслаҳатлашиб олинади.

Бугунги кунгача аҳоли билан бундай бевосита амалий мулоқот деярли ҳамма қишлоқ Советларида бўлиб ўтди. Хўш, бу тадбир нима бераяпти?

Аввало шуни айтиш керакки, барча учрашувларда мунозарага сабаб бўлаётган камчилик ва нуқсонлар, муаммолар ҳамма музофотлар учун бирдек тааллуқли. Чунончи, ичимлик сув, газ, электр қуввати етишмайди. йўллар ёмон, автобус қатновни мутлақо қаноатлантирмайди, тиббий моулажалар қўл учида, савдо соҳасида қинғир ишлар кўп, хуллас, ижтимоий адолатсизлик кучли. Энди мана шу камчиликлар, етишмовчиликлар амалий мулоқот туфайли ошкор бўляпти, сабаблари халққа етиб бораяпти.

Иккинчидан, айрим жўн масалалар йиғилишдан кейинок жойида ҳал этиляпти. Ноҳия ташкилот ва муассасаларининг раҳбарлари кўпгина муаммоларни ҳал этишнинг аниқ-лўнда тадбир-чораларини маълум қилмоқдалар.

Чунончи, Қорахитой қишлоқ Советида аҳоли вакиллари билан шундай учрашувчоғида ноҳия ижроия комитетининг вакиллари ҳар бир маҳаллага бириктириб қўйилди. Уларнинг вазифаси мавжуд муаммоларни ечишда аҳолига амалий ёрдам беришдир.

Облиқ қишлоқ Советида аҳоли вакиллари билан амалий мулоқот пайтида Қайирма қишлоғида медицина пунктини очиш ҳақида келишиб олинди. Электр таъминоти масаласи бир ой ичида ҳал этиладиган бўлди, телефон эса йил охиригача ўрнатилади. Райижроком вакиллари учрашувгача аҳоли истиқомат жойларини айланганларида ёрдамга муҳтож оилалар борлигини аниқлаган эдилар. Уй-жой ремонти ва бошқа зарур масалаларда қишлоқ Совети ҳамда «Ангрен» совхози ёрдам бериши керак.

Шу кунгача жойларда ўтказилган амалий мулоқотларнинг натижалари аниқ ишларда кўриниб турибди. Демак, маҳаллий Советлар вакилларининг, халқ депутатларининг, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарларининг жамоат вакиллари билан бевосита мулоқотларини давом эттириш, такомиллаштириш керак.

А. ЙУЛДОШЕВ.

ХУШХАБАРЛАР

● ТОШКЕНТ лак-бўёқ заводи янги маҳсулот — қувурларни санглашдан сақлаш учун улар сиртига қопланадиган модда ишлаб чиқара бошлади. Янгиликни Тошкент автомобиль йўллари институтининг олимлари «Электрохимпром» бирлашмасида тайёрланадиган капролактамнинг чиқитларидан яратдилар ва у чет эллдан сотиб олиниб, илгари ирригация тармоқларини қуришда фойдаланилган камёб гидроизоляцияга нисбатан тўрт баравар арзон тушади.

● ТОШКЕНТДАГИ 2-интернат уйда 200 ўринли янги корпус ишга туширилди. Бу ерда яшаш ва ўқиш учун, касалванд болалар қўлидан келганича меҳнат қилиши учун яхши шароитлар яратилган. Илгари жой танқислиги туфайли бу ерда ана шу муаммоларнинг ҳаммасини тўла ҳал этиш имкони йўқ эди. Қурилиш ва жиҳозлаш учун миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланди.

УЛКАН «ХОЛОДИЛЬНИК»

● **МАНА бунн «холодильник» деса бўлади. Тошкент тўқимачилик комбинатида музлатгич станцияси ўрнатиб бўлинди. Натижада минглаб тўқимачилар ва йигирувчиларнинг меҳнат шароити яхшиланади. Бу ерда йил бошларида йилига 90 минг гигакалорийга яқин совутиш қувватига эга бўлган учта машина фойдаланишга топширилиши керак. Машиналар ўзининг жазирама кунларида цехлардаги ҳароратни кескин пасайтиришга ёрдам беради, бу эса одамлар ўзларини яхши ҳис этишларигагина эмас, маҳсулот сифатига ҳам баракали таъсир қилади: ипларнинг узилиши анча камаяди.**

(ЎзТАГ).

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА БИРЛАШМА

Студент-ёшларда илм-фанга бўлган қизиқишни оширишда, тадқиқотлик фаолиятини ривожлантиришда олий ўқув юртларида тузилаётган ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тутган ўрни каттадир. Шу сабабли ҳам Тошкент давлат дорилфунунининг физика факультети олий ўқув юртида биринчилардан бўлиб ана шундай бирлашмани тузишга эришди.

Бундай илмий тадбирни йўлга қўйишда факультетнинг «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Зенит» заводи ҳамда «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан боғланган яқин ҳамкорлиги қўл келди. Таълим ва тарбия ишидаги бу янгилик студентлар учун амалий машғулотларни корхоналарнинг ўзида, лабораториялар шароитида ўтказиш имконини берди.

Ўқув-илмий-ишлаб чиқариш жараёни орқали ўтказгичлар материалшунослиги бўйича кенг асосли ишланмалар тайёрлашга ҳам киришилди.

С. ОДИЛОВА.

• *ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ШАРОИТЛАРИДА*

МЕБЕЛЬ ХАРИДОРГИР БЎЛИБ ҚОЛДИ

ОЛМАЛИҚ мебель комбинати республикамиз саноати шу тармоғининг етакчи корхоналардан бири бўлиб қолди. Бундан икки йил илгари маҳсулотлари касод бўлиб ётган комбинат коллективи қўлидан чиққан уй жиҳозлари энди харидоргирлиги билан ажралиб турадн. Яқинда харидорлар ўртасида ўтказилган сўровда ҳам корхона маҳсулотига юксак баҳо берилди. Ў вилоятимизда харидоргирлиги жиҳатидан энг кўп овоз олди. Коллектив бундай ютуқларга қандай эришмоқда? Бунинг асосий омиллари нималардан иборат? Мухбирларимизнинг комбинат директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Ортиқ Эламасович Холбоев билан суҳбати шу ҳақда бўлди:

— Кейинги йилларда комбинатимиз ишлаб чиқаришда катта ўзгаришлар бўлди. Уларнинг ҳаммаси, бир сўз билан айтадиган бўлсак, қайта қуриш шарофатидир. Хўжалик юритишнинг такомиллашган усуллари жорий қилинди. Аввалига хўжалик ҳисобини қўлладик. Кейинчалик ўз харажатларимизни қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш усули дастуримиз бўлди. Бу ўзгаришларнинг самарасини ҳар соҳада ўз кўзимиз билан кўрдик.

Коллективимизнинг мустақиллиги кучайди. Корхона ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган турли-туман муаммоларнинг аксариятини ўз билгимизча ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлдик. Илгари эса раҳбар ташкилотларнинг олдидан ўтишга, улардан рухсат олишга мажбур бўлардик. Эндиликда ўз имкониятларимизни, ишлаб чиқаришимизнинг хусусиятларини, хўжалик юритишнинг янги усулларини ҳисобга олиб ҳал қилаверамиз. Албатта бунда ўзбошимчаликка ҳеч қачон йўл қўйилмайди. Ҳар бир янгилик, ҳар бир ўзгариш бутун коллектив иштирокида уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олиниб, амалга оширилади. Фикрнинг бирлигига эришилмаса рўёбга чиқарилмайди. Хўжалик ҳисобини, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тартиби ҳам шундай кенг муҳокамадан сўнг жорий қилинди. Бунда янгича ишлашнинг афзалликлари, қийинчиликлари очиқ-ойдин тушунтирилди. Асосан сидқидилдан ишлаш зарурлиги уқтирилди. Барча ишчи-хазматчиларда шунга тўла ишонч ҳосил қилингач, ишлаб чиқариш бўлинмаларида бирин-кетин қўлланила бошланди.

Эндиликда эса бутун корхона шундай прогрессив усул асосида ишламоқда. Шундай шароитда корхонани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалаларини уйғун ҳал қилиш лозим бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам комбинатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг 90 йилгача мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди. Унда ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни деярли 26,5 миллион сўмга етказишни мўлжаллаганмиз.

Ҳозирги вақтда шу программани амалга ошириш учун қизғин кураш бормоқда. Унда барча ишлаб чиқариш бўлинмалари коллективлари фаол қатнашмоқдалар. Ҳамма ўз юкини тортмоқда. Асосий эътибор эса ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан қайта ускуналаш, технологик ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, уни такомиллаштириш, материалларнинг янги турларини жорий қилиш ва шу асосда тайёрланаётган мебель сифатини ҳар томонлама яхшилашга қаратилмоқда. Фақатгина шу ҳисобдан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 7,3 миллион сўмлик кўпайтириш назарда тутиляпти.

Ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган йиллари давомида бу йўналишда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Салкам 0,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Умумий нархи 400 минг сўмдан кўпроқ тўрадиган ўнга яқин технологик асбоб-ускуналар ўрнатилди. Улар орасида чет элдан келтирилганлари кўпчиликни ташкил этади. Польша Халқ республикасидан, Болгария Халқ республикасидан келтирилган қимматли ва ишлаб чиқариш жараёнларини кескин такомиллаштириш имконини берадиган технологик линиялар ва асбоб-ускуналар ўрнатилди. Улар ёрдамида пардоз ишлари, ёғоч тахта материалларини арралаш, тахталарни қирқиш ишлари амалга оширилмоқда. Маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан олиб борилган ишлар туфайли мебелнинг тури тўла алмаштирилди.

Ҳозирги вақтда комбинатимизда қатор харидоргир йиғма уй жиҳозлари тайёрланмоқда. Улар ишлаб чиқариш ҳажмида барча маҳсулотнинг 4,3 қисмидан кўпроғини ташкил этмоқда. «Онега У—15», «Ятрань», «Онега У—4», «Онега У—20» маркали туркум йиғмалар шулар жумласидандир. Бундай маҳсулотлар меҳнаткашлар томонидан севиб харид қилинмоқда. Уларга давлат сифат белгисининг берилиши ҳам бежиз эмас.

Иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама юксалиш ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ бўлган кўпдан-кўп муаммоларни тез ҳал қилиш имконини вужудга келтирмоқда. Буюртмалар тўла ва ошириб бажарилаётганлиги, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ўз навбатида коллективимиз олаётган даромад ва соф фойда миқдорининг кўпайишига олиб келмоқда. Ҳар йили қўшимча юзларча минг сўмлик фойда кўриляпти. Бу маблағнинг муайян қисми ишлаб чиқаришни тенг жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технология воситаларини харид қилишга сарфланмоқда. Кўп қисми эса турли хил ижтимоий, маданий-маиший муаммоларни ҳал қилиш мақсадлари учун фойдаланиляпти.

Маълумки, биз корхонада уй-жой муаммосини тезроқ ҳал қилиш режасини тузганмиз. Уни амалга ошириш учун собитқадамлик билан кураш кетмоқда. Шу туфайли кейинги йилларда уй-жой қурилиши анча кенгайди. 1987 йилда хўжалик усули билан 32 квартирали уй қуриб олдик. Бундан ташқари шаҳар ижроия комитети орқали улушли иштирок этиш йўли билан яна 16 та уй олдик. Шунинг ҳисобидан ишчи-хизматчиларимиздан 50 рамоллар боқилмоқда. Ҳар йили юзлаб қўй, ўнлаб бузоқлар парвариш қилинади. Бу ишчи-хизматчиларни тақчил гўшт билан таъминлашни бироз яхшилашга ёрдам бермоқда. Айни вақтда 50 та асалари уяси бор. Беш йиллик охирига бориб, уларнинг сони 100 та етказилади.

Корхонамиз ҳузурида «Мебелчи» кооперативи ишлаб турибди. Бу асосан аҳоли буюртмалари билан маҳсулот тайёрлайди. Ҳар йили кооператив аъзолари ўнларча минг сўмлик иш бажармоқдалар. Эндиликда корхонамиз ўз магазинига эга. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг муайян қисми шу магазин орқали сотилади. «Олмалиқмебель» деб номланган фирма магазинимизнинг товар обороти миллион сўмни ташкил этмоқда. Ў фақат маҳсулот сотиш учун эмас, балки тайёрланаётган жиҳозларимизнинг харидорларга қанчалик маъқул тушаётганлигини ўрганиш учун ҳам хизмат қилмоқда. Харидорларнинг фикр-мулоҳазалари муттасил ўрганиб борилади. Улар кейинги ишларимизда дастур бўлади. Шунга қараб маҳсулот турини ҳам, кўринишини ҳам, пардозини ҳам ўзгартирамиз. Яна бир магазин бизнинг маҳсулотларимизни сотади ва бир йўла харидорларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганади. У ҳам бўлса Юнусобод даҳасидаги йирик мебель магазини. Бу магазинлар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасидаги мулоқотларни кучайтиришга ёрдам бераётганлиги билан диққатга сазовордир.

Коллективимиз фаолиятида ютуқлар қатори камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хўжалик юритишнинг янги усули афзалликларидан ҳар доим ҳам тўла ва оқилона фойдалана олмаяпмиз. Ишни ташкил этишдаги барча нуқсонлар ҳам бартараф этилгани йўқ. Айниқса моддий техника таъминотидаги узилишлар катта тўсиқ бўлмоқда. Зарур материалларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги барча мебель турларини белгиланган номенклатурада бир маромда ишлаб чиқариш имконини бермаяпти. Биз бу ва шунга ўхшаш бошқа камчиликларнинг борлигини биламиз. Шунинг учун ҳам коллективимиз куч-ғайратини уларни бартараф этишга йўналтириш учун барча чораларни кўрамиз. Коллективимиз хўжалик ҳисоби шароитларида ишлаш самарали бўлишини ўзининг бундан кейинги меҳнати давомида ҳам намоён этаверади. Ҳаммамизнинг фикри-зикримиз, мақсадимиз шунга қаратилган.

М. МИРҲАМИДОВ,
Ҳ. САЙДАЛИЕВ.

Москвада СССР уй - жой социал банкининг 700881 - счети — ҳалок бўлган милиция ходимлари ва ички қўшинлари жангчиларининг оилаларига ёрдам фонди очилди.

ОДАМЛАР ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЖАСОРАТ

«Қадрли редакция!

Бултур ёзда мен бошимдан кечирган қайғу-алам, илоҳим, ҳеч қачон, ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Турмуш ўртоғим, милиция катта сержанти Озод Боязитовни маст безори пичоқ уриб ўлдирди. Икки ғўдагим билан 28 ёшимда бева бўлиб қолдим... Менинг аҳволимни шундай воқеани бошидан кечирганларгина тушунади. Ота-оналарим, яқин қариндошларим, дўстларим менга мадад бўлди. Аммо мен турмуш ўртоғим ишлаган коллектив тўғрисида, унинг Киров район ички ишлар бўлимидаги ўртоқлари ҳақида гапирмоқчиман. Уларга астойдил миннатдорчилик изҳор қилмоқчиман: улар менинг назаримда, отасидан жудо бўлган оиламиз учун иложсиз ишларни қилишди. Улар фожиа рўй берганидан кейин деярли бир ой ўтар-ўтмас, шаҳар чеккасидаги 12 квадрат метрли хонадан бизни уч хонали квартирага кўчириб ўтказдилар. Иккала ўғлимни болалар боғчасига жойлаштиришди. Бизни ҳанузгача унутганлари йўқ, фақат байрамларда эмас, оддий кунларда ҳам эсдан чиқаришмайди. Мен буни ўз хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган милиционерлар оиласининг фожиаси, уларнинг собиқ ҳамкасбларининг раҳмсизлиги ва бепарволиги туфайли янада кескинлашаётган ҳолатлар тез-тез учраб турганлиги учун ҳам ёзаяпман».

Ушбу сатрлар қозонлик Г. Боязитованинг мактубидан олинган. Унинг эри билан бирга хизмат қилган кишиларнинг юксак инсоний фазилатларини муносиб баҳолар эканмиз, ўзининг ҳалок бўлган ҳамкасби оиласининг тақдирига эътиборсиз, кўпинча эса раҳмсиз муносабатда бўлаётган баъзи кишиларнинг хатти-ҳаракатидан Гўзал Қосимовна ташвишга тушаётганлиги тўғрисида ўйламаслик мумкин эмас. Социалистик мулкни қўриқлаш чоғида безори билан яккама-якка олишувда ёнғинни ўчириш пайтида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимини сўнгги йўлга кузатилар экан, қанчадан-қанча чиройли ва тўғри сўзлар айтилиши ҳақида алам билан гапирилган кўпгина хатлар бунинг далилидир...

Ҳуқуқ-тартибот солдатлари шаънимиз ва қадр-қимматимизни, ҳаётимизни ҳимоя қилиб, ўзлари ҳалок бўлган барча ҳолларни айтиб тамом қилиш қийин. Уларнинг ўлими хотинлари ва фарзандларини, ота-оналарини чексиз қайғу-аламда қолдиради.

Биз ўзимизнинг гражданлик бурчимизни, ўз ҳамкасбимиз қабри устида берган ваъдаларимизни осонгина унутганимизда бу қайғу янада оғирлашади. Уларнинг оилалари аҳволидан хабар олишни тобора камайтирамиз, баъзида эса умуман унутиб юборамиз.

Чернобил АЭСида содир бўлган қайғули воқеалар хотирамиздан ҳали чиққани йўқ. Бу ерда биринчи бўлиб ички ишлар ходимларидан В. Тишура, Н. Титенок, В. Кибенок, В. Правик, В. Игнатенко, Н. Вашчуклар ёнғинни ўчиришга киришган эдилар. Уларнинг ҳаммаси Москвада дафн этилди. Ўша кунларда ҳалок бўлганларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиниши тўғрисида кўпгина ваъдалар берилган эди. Аммо, афсуски, Минскдан маълум қилишларича, ана шу ваъдалар деярли эртасигаёқ унутилди.

Яна бир мисолни олиб кўрайлик. Шу йилнинг ёзида Фарғона областидаги маълум вазиятни барқарорлаштириш учун мамлакатнинг турли районларидан милиция ходимлари ва ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари у ерга юборилган эди. Ўзбекистон пойтахтидан Т. Сувонқулов ҳам у ерга юборилиб, безорилар билан олишувда ҳалок бўлган эди. Ўшанда матбуотда жасур милиционернинг оиласига ғамхўрлик қилиниб, унга квартира ажратилганлиги, тўрт нафар фарзанди отаниқка олинганлиги маълум қилинган эди. Лекин афсуски, бу оила ҳақида ғамхўрликни тезда унутишди. Аслида ҳеч қандай квартира ҳам ажратишмади, милиционернинг бева қолган рафиқаси фарзандлари билан Самарқандга қариндош-уруғлари олдига кўчиб кетишга мажбур бўлди. Фақат СССР ички ишлар министрлиги матбуот маркази ходимларининг аралашуви билангина ана шу узоқ кутилган квартира ниҳоят яқинда ажратилди.

...Биз мураккаб ва бурилиш даврида яшаяпмиз. Таркиб топган кўпгина тасаввурларни қайта кўриб чиқиш, тарихий ва хусусий тақдирларни қайта идрок этиш, ўтмишдаги бир хил муросасизликни бартараф этиш қийинчиликларида узоқ кутилган демократия, чинакам инсонпарвар ҳуқуқ-тартибот юзага келмоқда. Ижтимоий онгнинг инсонпарварлаштириши тез орада хулқ-атворларнинг яхшиланишига, турмуш маданиятини оширишга, турли можароларни яхшилик ва доно сўзлар билан бартараф этишга олиб келиши лозим эди.

Таассуфки, ҳозирча бундай бўлмаганлигига биз ҳаммамиз гувоҳмиз. Жамият бошидан кечираётган танглик кўпгина ахлоқ, одоб қоидалари ва нормаларидан маҳрум бўлишимизга, уюшган жиноятчилик туфайли адоват авж олишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам, мантиққа қанчалик зид бўлмасин, демократиялаш қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларини жамият эътиборининг марказига олиб чиқди.

Умуман, чуқур ўйланадиган бўлса, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Биринчидан, ҳар қандай ҳаққоний иш муқаррар равишда вақтинчалик тўсиқларга дуч келади. Иккинчидан эса, озодлик муқаррар маълум хавф-хатар билан боғланган ва ўз қадриятларини муҳофаза қила олиши лозим.

...Шу оғир вазифани зиммасига олган кишиларни қадрлайлик. Фақат ўткир вазиятлардагина эмас балки одоб доирасидан чиқмайдиган баҳсларда ҳам, фақат фикрларнинг дадиллигини эмас, шу билан бирга ҳар куни соф жисмоний мардликни талаб қиладиган ҳақиқий шафқатсиз кураш вазиятида ҳам демократия ва қонунийлик учун курашаётган милиционерлар, ички қўшинларнинг аскарлари қадрига етайлик.

...«Жиноятчини қўлга тушириш чоғида ҳалок бўлди», «Жиноятчига қарши курашда ҳалок бўлди». Ана шундай ташвишли иборалар остида босилган хабарларни газетада тез-тез ўқиймиз. Бу ҳақда «Советская культура» газетаси ҳам бир неча бор ёзган. СССР прокуратурасининг маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг ўзидагина ички ишлар органларининг 500 та яқин ходими хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлди. Минг бор таассуфки, бу аламли рўйхат бу йил ҳам кам эмас.

«Советская культура» газетхонлари ўзларининг жуда кўп хатларида жамоатчилигимиз ҳалок бўлган бирорта милиционер ва ички қўшин жангчиси оиласини эътиборсиз қолдирмасликни, уларга ғамхўрлик ва меҳр-оқибат кўрсатишни талаб қилмоқдалар.

Ана шу олижаноб даватларни ҳисобга олиб, бундай оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Советская культура» газетасининг таҳрир ҳайъати газета ҳузурида махсус фонд очишга қарор қилди.

Ушбу фонд маблағлари газетхонларимиз — ижодкор ходимлар, ишчилар, колхозчилар, мамлакатимиздаги барча гражданлар, айрим корхоналар, колхозлар, совхозлар, кооперативлар ихтиёрий равишда юборган эҳсонлардан иборат бўлади. Хайрия концертлари, ёзувчилар ва шоирларнинг ижодий учрашувлари, турли кимошди савдолари фондни тўлдириш манбаи бўлади.

«Советская культура» фондининг кенгаши СССР ички ишлар министрлиги ёрдамида ички ишлар органларида, мамлакат ички қўшинларида ҳалок бўлган ҳар бир ходим ва ҳарбий хизматчи оиласини ҳисобга олади ва ҳар бир ҳолда зарур маънавий ва моддий мадад кўрсатилади.

Фонд составида «Советская культура» ходимлари билан бир қаторда ёзувчи Георгий Вайнер, композитор Микаэль Таривердиев, режиссёр ва киноактёр Станислав Говорухин, СССР халқ артисти Жўрабек Муродов, СССР Олий Советининг аъзоси, халқ депутати В. Т. Однлов, СССР ички ишлар министрлиги сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари И. В. Астапкин, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри В. М. Камолов, Белоруссия ССР ички ишлар министрлиги сиёсий бошқармасининг бошлиғи В. В. Журавский, Украина ССР ички ишлар министрлиги сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари В. И. Макаренколар бор.

Москвада СССР уй-жой ижтимоий банкида фонднинг 700881 рақамли махсус счети очилди. Фонд тузилганини эълон қилар эканмиз, барча газетхонларимизга мурожаат қилиб, шу фонд шиори тўғрисидаги конкурсда иштирок этишга чақирамиз. Бу шиор хайрия тадбиримизнинг моҳиятини лўнда акс эттириши керак.

Сизларнинг таклифларингизни ва албатта, ҳалок бўлган милиция ходимлари ва ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари оилаларига ёрдам кўрсатиш учун маблағ тўплашда баҳоли қудрат иштирок этишингизни кутамиз.

Вилор НИЕЗМАТОВ,
Фонд кенгашининг раиси, СССР журналистлар союзи мукофотининг лауреати.

(«Советская культура» газетасидан).

Тилимизни бойитайлик

ИШ ҚОҒОЗЛАРИ НАМУНАЛАРИ

ЎЗБЕК тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан кундалик матбуот саҳифаларида, радиоэшиттириш ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида расмий учрашувлар ва турли йиғинларда **жумҳурият** (республика), **вилоят** (область), **ноҳия** (район), **жамоа хўжалиги** (колхоз), **йўриқнома**, (қўлланма, инструкция), **котиб** (секретарь), **меъмор** (архитектор), **Олий Шўро** (Олий Совет), **ташрифнома** (визит карточкаси), **таомнома** (меню), **хабарнома** (извещение), **ҳулосанома** (акт), **маълумотнома** (справочник), **қўналга** (аэродром), **учоқ, тайёра** (самолёт) сингари юзлаб сўзлар тез-тез ишлатила бошланди. Бу хил сўз бирликларининг қўлланиш меъёри тўғрисида кундалик матбуот саҳифаларида А. Рустамов, Ҳ. Узоқов, С. Қораев каби олимлар томонидан турлича муносабатлар билдирилди.

Қайси сўзни қандай ишлатиш-ишлатмаслик тўғрисида ҳар ким ҳар хил фикрни айтиши мумкин. Жумладан, биз ҳам фалон сўзни қўлланг ёки қўлланманг дегандай фикрдан йироқмиз. Зеро, ҳар бир сўз заруратга кўра ўз ўрнида ишлатилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқинда уруш ва меҳнат ветерани, кекса педагог Назир Адҳамов билан суҳбатлашиб қолдим. Отахон мазкур сўзларнинг қўлланишини маъқуллаб, 20-йилларнинг охирида жумҳуриятнинг махсус атамалар уюшмаси ходимларининг иш фаолияти ниҳоятда фойдали бўлганлигини, ҳатто иш юритишга доир расмий қоғозларнинг ўзбекча атамаларини яратиш борасида ҳам ўша давр зиёлилари дадил қадамлар қўйганликларини мамнуният билан гапириб бердилар. Сўзининг охирида Назир ота «Менда 1930 йилда чоп қилинган бир китоб бор. Унда Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар Жумҳурияти Халқ Комиссарларининг расмий ҳужжатларни ўзбекчалаштиришга ёрдам тарзида Шўро аппарати группаси томонидан мувофиқ топилган иш қоғози намуналари рус ва ўзбек тилларида жуда ажойиб тарзда берилган», дедилар. Отанинг ижозати билан ўша китоб билан мен ҳам батафсил танишиб чиқдим.

124-бет ҳажмидаги бу китоб муаллифи К. Д. Громатович бўлиб, унинг номи «Иш қоғозлари намуналари» (ўзбек ҳам рус тилларида) Образцы деловых бумаг». Ўзбекистон Давлат нашриёти, Тошкент — Самарқанд. 1930», деб аталган. Республика кутубхоналаридан ҳам излаб топиш даргумон бўлган бу ноёб нашрдаги иш юритиш қоғозлари намуналари турли-туман соҳаларни ўз ичига олади. Бу соҳалар қисмлари ҳам ўз ичида турли хил расмий қоғозлар намуналарининг русча-ўзбекча кўринишларини қамрайдики, улар рус тилида сўзловчи аҳолининг жумҳуриятда ўзбекча қоғозларни қай тарзда ёзишлари учун ажойиб намуна бўла олган. Китобда идоравий ишлар қисми 52 та, корхоналараро ўзаро муносабатлар ва фуқароларнинг аризалари қисми 54 та, ҳуқуқий муносабатлар қисми 19 та, ҳисобчилик ва пул муносабатлари қисми 17 та, хўжалик муносабатлари қисми 8 та, граждан муносабатлари қисмида эса 18 та расмий ҳужжат нусхаларининг икки тилдаги намуналари берилган.

Бу ноёб нашрни варақлар эканмиз, унинг саҳифаларидаги **кириш дафтари** (входящий журнал), **чиқиш дафтари** (исходящий журнал), **топшириш дафтари** (разносная книга) сингари расмий ҳужжатларнинг тўлдирилган икки тилдаги намуналари диққатни ўзига жалб қилади. Уларни ҳозирги кунда нашр қилинган икки тилли луғатлардаги таржималари билан қиёс қилсак, бу ажойиб нусханинг афзал томонлари дарҳол кўзга ташланади. Масалан, бу атамалар 1984 йилда нашр этилган русча-ўзбекча сўзликда: **қайд дафтари** (разносная книга), **келадиган ва кетадиган қоғозлар журнали** (журнал входящих и исходящих бумаг) тарзида берилган.

Ўтган олтмиш йил давомида миллий тилларда иш юритиш қоғозларига эътибор берилмаганлиги бу асарнинг қайта чоп этилмаганлиги билан яна бир бор исботланади. Мазкур нашр мукаммал ҳолдаги нусҳаларининг чоп қилинмаганлиги жумҳуриятимизда жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шуларни эътиборга олганда, К. Д. Громатовичнинг ушбу китоби асосида иш юритиш қоғозларининг тўлдирилган ва қайта ишланган нусхаларини чоп этиш ҳозирги кунимизнинг муҳим масалаларидан биридир.

Агар шу кеча-кундузда юзлаб тилшунос ва таржимонлар ҳаётимизнинг турли жабҳаларига оид рангбаранг ҳужжатларни ўз билганларича жумҳуриятимизнинг давлат тилига ўгираётганлигини назарда тутсак, бундай қўлланмалар сув билан ҳаводай зарурлиги яққол намоён бўлади.

Н. УСМОНОВА,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ходимаси.

• Озиқ-овқат программаси: ким қандай ҳисса қўшмоқда?

КУТИЛГАН КУН

ТАБИАТ кўм-кўк пайкаллар бошига қора кун солган ўтган йил май ойида совхозда бўлгандик. Идорадан ҳеч қайси раҳбар-у, мутахассисни топиб бўлмади. Ҳамма кечга қадар далада бўлади, дейишди. Директор Рихсибой Турсуновни боғ бригадасида учратдик. Унинг қўллари ток навдаларида, бригадир Қорабой Ҳамроевга берди:

— Совуқ ярми ҳосилимизни уриб кетибди, энди эътиборни ҳар тупга эмас, ҳар бош узумга қаратишимиз даркор. Унинг дони йирик бўлса, режани адо этамиз, ташвишга қолган шаҳарликларнинг раҳматини оламиз...

Совхоз бош агрономи Жўра ака Бердиев дала кезаркан пудратчи деҳқонларга уқтирарди:

— Бу йил ҳар бир туп кўчатни кўздан қочирмайдиган йил...

Деҳқонлар иккиланмай дейишарди:

— Хотиржам бўлинг, албатта, режани бажариб, элни қувонтиришимиз аниқ. Чунки ерларимиз ҳар мавсумдагидек экинни кўрса тайсаллайдиган эмас, обдон семиртирганмиз.

Бу гапда жон бор эди. Тўққиз йилдирки, хўжалик сабзавоткорлари ғалаба нима эканлигини билмадилар, кузакда ер чизиб қолавердилар. Нима учун полвон саналиб келган бу ерлар эгасига бунчалик «терс» қарарди?

Ҳамон қанча гапирилмасин, исбот қилиб берилмасин талай масъул ходимлар беда-сабзавот алмашлашнинг хосиятини тушунишни исташ маяпти. Ахир, бу таомил ютуқларнинг бош гарови-ку! Қайси деҳқон ҳар етти йилда пайкалини бедага бўлатиб бериб турса, ҳосилга ботиб қолиши аниқ. Афсус хўжаликда мана шу олтин ғояга амал қилинмасди.

Бундан тўрт йил бурун 12 бригаданинг аъзоси Зуҳур ака Муҳиддинов шундай деган эди:

— Ёзнинг ярми ўтиб кетди-ю, нега бу помидорлар ҳамон бир қарич деяпсиз-а? Ҳайрон бўлманг, меҳмон. Шу пайкал бедазорлигида ҳали уйланмаган ўспирин йигитча эдим. От-аравалларга беда ортиб берганим эсимда. Мана соч-соқоллар оқариб қарияпман. Набираларим бор. Аммо бу майдон ўшандан буён беда бетини кўргани йўқ, ҳамон сабзавот экишга мажбур этилади. Қараб туринг келгуси йили яна помидорга ариқ олинади. Ернинг эса энсаси қотиб, аравангни торт, дейди. Ажабо, бу заводсизликми, калтабинликми, билмадим.

Бундан тўрт йил бурун совхозга келган раҳбарлар бошқача йўл тутишди: улар ернинг тилини тушунадиган чинакам деҳқонлар эди.

— Олдимизда мушкул иш турарди,— дейди совхоз директори Рихсибой Турсунов. — Сабзавот экинига бўй бермай қолган ер борки, зудлик билан бедазорларга айлантирмоқ даркор эди. Шундай қилдик. Тез орада беда майдонларимиз 130 гектарга етди. Бунинг икки ёқлама фойдаси бўлди: чорва озуқасига ёлчидик, оқсаб қолган тармоқ район бўйича етакчи ўринга чиқди. Даромад кўпая бошлади. Ўша бедазорлар бузилиб, экин экилган йили ер сабзавотни «қутуртириб» юборди.

...Ҳа, бугун Калинин ноҳиясидаги Свердлов номли совхоз аъзолари қувончининг чеки йўқ. Ахир, бу ерда тўққиз йиллик нохушлик изитробдан сўнг ўтган йили биринчи маротаба ғалаба нашидасини сурдилар. Мавжуд 174 гектарлик сабзавот майдонларидан 4630 тонна маҳсулот олиниб, йиллик режа муваффақият билан уддаланди. Тўққизта бригаданинг деҳқонлари ўз сўзларининг устидан чиқишди. Айниқса, Искандар Жўраев, Ҳамид Тожибоев, Абду Жумабоев, Зокир Акбаров, Абдуҳамид Мираҳмедовлар етакчилигидаги бригадалар мажбуриятларини ҳам ошириб маҳсулот топширдилар.

— Селитра — бу заҳарзуққумнинг ўзи,— дейди бош агроном Жўра Бердиев.— Илгарилари тонна кетидан қувиб озмунча одамларни абгор қилиб қўйдикми. Уч йилдирки, биз нормадаги селитранинг ярмидан воз кечдик. Аслида-ку, пайкал беда билан тез-тез алмашлаб турилса, бирор ҳавуч селитранинг ҳожати йўқ. Биз ғўнгга зўр беряпмиз. Илгарилари катта пайкалга беш тележка ғўнг келтириб ағдарардик-да гектарига ўн тоннадан солдик деб, ўзимизни овутиардик. Ерни алдаб бўлмаслигини тушунишмаган. Мана, ҳозир бизнинг бир оёғимиз бўрдоқичилик пунктларида. Шу боисдан маҳсулотларимизнинг шифобахшлик хусусиятлари ортди.

Ҳа, бу иш астойдил қўллаб-қувватлашга арзийди. Рост, ҳамон кўзига юксак тонналар кўриниб, маҳсулотини заҳар-зуққумга айлантираётган «деҳқон»лар ҳам дейсизми. Уларнинг бу ишлари дўстига қилич ўқталаётган жаллодни эслатмайдими?

Жўра ака бизга оилавий пудратнинг қудратини ҳам ҳикоя қилиб берди.

— Экин сийлаганни сийлайди,— деди у,— Унинг тепасида қанча парвона бўлсанг, ҳиммати шунча жўш уриб кетади, айтганингни бераверади. Бу жиҳатдан оила аъзоларининг баҳамжиҳат кўмаги — мўл-кўл ҳосил дегани.

Совхоз боғларидаги кузги-қишки ишлар тугалланиш арафасида.

1989 йил соҳибкорлар мардона меҳнат қилишди. 1620 ўрнига 1830 тонна узум топширишди. Боғбонларнинг ютуқлари ҳам чакки бўлмади: 135 тонналик дастлабки маррани ортда қолдиришиб, 143 тонна мева топширдилар.

Ҳа, шу кунгача қолоқ саналиб келинган Свердлов номли совхоз йилни барча тармоқлар бўйича салмоқли ютуқлар билан якунлади. 1988 йил йили мўлжалдаги 150 минг ўрнига 303 минг сўм соф фойда олинган эди, 1989 йил 650 мингдан ошиб кетди. Хўжалик ойдин йўлга чиқиб олди.

Совхозда бўларканман бу ютуқлар йилнинг оддий довони бўлиб қолишига ишонаман.

А. ИНОҒОМОВ.

● Янглиш Ҳолмирзаева, Инобат Ҳақберднева (чапдан (ўнгга) ўртоқлар Бекобод районидаги Навоий номли колхоз фермасида меҳнат қиладилар. Бу устоз ва шогирд сут соғувчилар ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Улар янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ юксак марраларни кўзлаб унумли меҳнат қилмоқдалар.

М. ҚОРАБЕКОВ суратн.

НАРХИ ОШДИ, УСУЛИ ЯНГИ, ХИЗМАТИ... ЭСКИ!

ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР БЎЛИМИДА: СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

ЯҚИНДА Москва шаҳрида хизмат сафарида бўлдим. У ерда транспорт қатновининг яхши йўлга қўйилганлигига жуда ҳавасим келди. Шундай катта, салкам 10 миллион аҳолиси бўлган шаҳарда автобус ёки троллейбус трамвайни 5—10 минутдан ортиқ кутмайсиз. Шофёрлар хушмуомалалик билан бекатларни эълон қиладилар. Автобус салонлари озода. Йўловчилар ҳам ўз вақтида йўл ҳақини тўлаб ошиқча ур-йиқитсиз керакли манзилларига етиб олаяптилар. Ажабланарли жойи, транспорт кондукторсиз бўлишига қарамай (абонемент усули) билет текширувчи — контролёрларни деярли учратмайсиз. Автобус салонида уларга фақат бир марта дуч келдим. Текширувчилар ширинсуханлик билан ўзларини йўловчиларга таништириб, билетларни кўрсатишни илтимос қилдилар. Буни кўриб шундай маданиятли хизмат кўрсатса бўлар экан-ку деб ҳавас қилдим.

Бизда-чи? Транспорт хизмати қачон ўнгланади, қачон бу соҳада тартиб ўрнатилади? Шу йилнинг бошидан Тошкент шаҳар автобуслари ижара пудрати усулида ишлай бошлади. Бу — йўл ҳақига нақд пул тўланади, дегани. Бу усул йўловчиларга нима беради? деган саволга транспорчилар «Янги автобус ажратилади хизмат кўрсатиш маданияти юксалади, ҳаракат жадвалига тўла амал қилинади...» каби ваъдаларни қалаштирдилар. Орадан салкам бир йил ўтди, нима бўляпти? Эски ҳаммом, эски тос! Ўша ур-йиқит, ўша бекатларда сарғайиб транспорт кутишлар...

Битта «янгилик» шу бўлдики, барча маршрутдаги автобуслар ёппасига «тезюрар», яъни экспрессга айлантирилди. Ҳар ҳолда, 5 тийин билан 10 тийин ўртасидаги фарқни транспортчилар бошқа барча талаб-эҳтиёждан кўра яхши билишар экан...

Автобусга чиққанингиздан то тушгунингизча ҳайдовчи камида 40 марта билет олиш кераклигини эслатади. Йўл ҳақи 10 тийин, лекин кўпинча 5 тийинли билет йиртиб беради. Баъзида эса оддий қоғозга 10 тийин деб ёзилган «патта»ни сизга тутқазишади. Салонда кондуктор бўлса яхши, бўлмаса ҳайдовчи фақат олд эшикларида бир неча марта ёзилди, натижа йўқ.

Хизматдош дугонамнинг айтишича, 16-октябрь кундузи соат 15 ларда 9 ёшли ўғли билан 1-троллейбусдан «Дизельная» бекатида турган текширувчилар болага билет олмабсан, деб жарима солмоқчи бўлишибди.

— 10 ёшгача болалар учун транспортда юриш бепул деб ўйладим, бўлмаса наҳотки ўғлим учун билет олмасам, деганимни билмаман, контролёр хотин бир даста абонемент талонларини қўлимдан юлқиб олиб, бисотидаги бор ҳақоратомуз сўзлар билан шовқин қўтарди,— дейди қамида 3—4 та бўлиб тизилишиб турган билет текширувчиларга дуч келасиз. Уларнинг қўлига тушган паришонхотир йўловчининг аксари меҳмонлар ёки болалар бўлади ва уларнинг шўри қурийди... Контролерларнинг қўполлигию, дилозорлиги ҳақида газета саҳифаларида бир неча марта ёзилди. Натижа йўқ.

шифокорлари ишинг атрофида уймаланишар. одамлар ниманидир қизғин муҳокама қилишарди. Маълум бўлишича, контролёрлар ҳалигидек ишлаб, шунақанги даханаки жанг қилишган эканки, бечора аёлнинг юраги ёмон бўлиб, ўзини ташлаб юборибди. Наҳотки 3 сўм жарима ундириш учун инсонни шу даражада таҳқирлаш керак бўлса?!

Эсингизда бўлса, йил бошида контролёрлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тартиби ҳақида газеталар хабар беришди. Яъни ундирилган жарималарнинг маълум фоизи уларга иш ҳақи тарзида тўланади. Демак улар қанча кўп жарима ундирсалар, моддий манфаатдорликлари шунча ортади. Йўловчиларни хушидан кетгунча ҳақоратлашга-талашга худди мана шу тартиб туртки бўлмаяптими? Тўғри, шаҳар транспортида текинга юрмоқчи бўлган «қуён»ларга жарима солиш керак. Лекин бу одоб доирасидан чиқмасдан амалга оширилиши лозим.

Менимча, шаҳар йўловчиларга хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти контролёрларга ойлик тўлашнинг, улар меҳнатини рағбатлантиришнинг бошқа усулларини қўллашлари лозим. Ҳар ҳолда, бу масалани мушоҳада қилиб кўриш фойдадан ҳоли эмас. Токи, моддий манфаатдорлик деб маънавиятимиз қашшоқлашмасин. Қалбларимиз тошга айланмасин. Одамлардан меҳр-оқибат кўтарилмасин.

Шаҳар транспорти фаолиятида муаммолар жуда кўп, оғриқли тугунлар бисёр. Уларни ечиш пайти келди. Зеро, ҳар биримизнинг кайфиятимиз, иш унумимиз, қолаверса соғлиғимиз транспортнинг қандай ишлашига боғлиқ.

М. КОМИЛХЎЖАЕВА,
«Узбекгеология» бирлашмаси ходими.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

«ХАТ ТАШУВЧИ ЙЎҚ ЭМИШ»

Газетанинг 22 ноябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Тошкент ноҳиясидаги Ҳасанбой қишлоқ Совети теграсидаги Ильич колхозининг 2-участкасида анча муддатдан бери хат ташувчи йўқлиги танқид қилинган эди.

Келес алоқа бўлимидан олинган жавобда танқидий хабар муҳокама қилинганлиги айтилади. Ҳақиқатан ҳам хат ташувчи С. Хонжонов касаллиги сабабли мазкур участкада яшовчи аҳоли газета ва журналларни вақтинча алоқа бўлимидан ўзлари олиб туришган.

Колхоз теграсидаги 18-мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам ўзларига тегишли газета ва журналларни мактаб кутубхоначиси Сулаймоновадан олиб туришган. Чунки бу вазифа мактаб маъмурияти томонидан вақтинча унга юклатилган эди. Мактаб маъмурияти ва кўрсатилган теградаги аҳолидан ҳеч қандай эътироз билдирилган эмас. Шу кунларда мазкур участкада хат ташувчи эгаларига газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бермоқда.

«КОЛХОЗ АЁЛЛАРИНИНГ АЙБИ НИМА?»

Оққўрғон ноҳиясидаги «Ленинизм» колхозининг суттовар фермасида меҳнат қилувчи хотин-қизларга етарли шароитлар яратиб берилмаганлиги ҳақидаги танқидий хабар газетанинг 16-сентябрь сонида босилган эди.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Е. Ўринбоевдан олинган жавобда танқидий хабарда колхоз фермасидаги камчиликлар тўғри кўрсатилганлиги айтилади.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қисқа муддатда фермада меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун етарли шароитларни яратиб бериш тадбирларини белгилаган. Шу жумладан, улар учун дам олиш хонаси керакли нарсалар билан жиҳозланган. Сут соғувчиларнинг ишга келиб-кетиши учун усти ёпиқ машина ажратилди, фермада иссиқ овқат ва чой ташкил этилди. Уларга иш қаҳлари ўз вақтида бериб борилмоқда.

• *Янги китоблар*

Шарқ рассомчилиги тарихига оид

Маълумки, жаҳон тасвирий санъати хазинасидан муносиб ўрин олган нафис, мўъжаз расм-миниатюралар Шарқ халқларининг муштарак бадиий мероси бўлиб, унда инсонпарварлик ғоялари, олижанобликка интилиш, гўзаллик тўғрисидаги тасаввурлари ифодаланган.

Қадимги Шарқ халқларидан бизгача етиб келган нодир қўлёзма китоблар орасида ана шундай миниатюраларни кўплаб учратамиз. Бундай расмлар ўзига хос гўзаллик ва нафосат оламига эга. Улар китобат санъатининг таркибий қисми бўлиб, қўлёзмаларни зийнатлаш билан бирга мазкур асарлардаги илғор инсонпарварлик ғоялари, олижанобликка интилишни акс эттирган. Шу сабабли миниатюра санъати тараққиётига Шарқнинг буюк алломалари Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, мутафаккир ва шоирлар Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий асарлари ижобий таъсир кўрсатган.

Яқинда Ғафур Ғулом нашриёти томонидан нашр этилган «Шарқ миниатюра мактаблари» мақолалар тўпламида юқорида зикр этилган миниатюралар яратилиш тарихи, машҳур миниатюрачилар ва улар яратган мактаблар ҳозирда бу санъат соҳасида ижод этаётган мусаввирлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тўпламнинг кириш қисмида Шарқ миниатюрачилик тарихи ва уни ўрганиш ҳақида қисқа ва лўнда маълумот берилган.

Тўпламга жам этилган мақолаларни мазмун жиҳатдан икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи туркум мақолаларда Шарқда мавжуд бўлган араб, эрон, турк, озарбайжон, ҳинд, Моларда эса ўз асарларида миниатюра санъати анъаналаридан кенг баҳраманд бўлган ва уларни ижодий ривожлантиришга интилаётган ҳозирги замон ёш ва иқтидорли санъаткорлари (Т. Муҳаммедов, Ш. Муҳаммаджонов, М. Салимов ва бошқалар) ижоди ҳақида фикр юритилган.

Тўплам сўнгида қадимги, ўрта аср ва ҳозирги пайтда яратилган миниатюралардан рангли иловалар берилган. Умуман, «Шарқ миниатюра мактаблари» тўплами китобхонларга Шарқ миниатюралари, яъни мўъътабар қўлёзмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расм санъати мактаби тўғрисида етарлича маълумот беради. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, миниатюраларда халқ тарихи: урф-одатлари, кийим-кечаклари, хўжалиги расмлар орқали кўрсатилган. Бу эса халқ тарихи, хусусан ўзбек халқи тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Мактаб дарсликларида бу санъат турига кўпроқ ўрин берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

«Шарқ миниатюра мактаблари» тўплами тарихчилар, санъатшунослар ва кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади деган фикрдамиз.

Ш. ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

Тасвирда шарқ рассомчилигидан намуналар.

• *Инсон ва қонун*

КИССАВУРЛАР НЕГА ЖАЗОСИЗ?

ИШЧИЛАР шаҳарчаси бекатида троллейбусга чиқдим. Йўловчилар тирбанд эмас. Сал юргач, кимдир сумкамга қўл солгандай бўлди. Сумка қулфсиз ишлангани учун ҳам оғзи бекилмайди. Сесканиб, ҳалиги қўлни маҳкам ушладим ва она сути оғзидан кетмаган, мўйлови эндигина сабза ураётган йигитчанинг кўзлари билан тўқнашдим.

— Нима қилаяпсан? — ўзимни ҳарчанд босишга уринмай, титраб турардим.

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса... — талмовсираб йигитча, — қўлимни қўйворинг!

— Билиб турибман нима қилмоқчи бўлганингни? Мақсадинг ҳамён ўмариш!

Йигитча безрайиб тураверди, нима ҳам десин? Қўлга тушганидан афсусланаётгандир балки. Назаримда у киссавурлик кўчасига эндигина кирган кўринади, йўқса, ҳамёнга ўта эҳтиёткорлик билан ҳужум қилиб, сездирмасдан гумдон қиларди.

Хўш, киссавурликни ўзларига асосий касб қилиб олганлар кимлар? Аввало улар ҳам одам, лекин уларнинг маънавий дунёси йўқ даражададир. Улар қашшоқлик ёки муҳтожликни енгиш учун эмас, балки ўз маишатини кўзлаб, енгил-елпи ҳаётга ҳавас қилиб, ана шу жиноят билан шуғулланадилар. СССР Ички ишлар министрлигининг ахборотига кўра кейинги икки йил ичида мамлакатимиз бўйича 1.867.223 та жиноят қайд қилинган. Мазкур жиноятларнинг 183.953 таси балоғатга етмаганлар томонидан содир этилган.

Бу шунчаки кўз югуртириладиган рақамлар эмас. У ҳар биримизни ташвишлантиради. Ким билади, ўсмирлар томонидан содир этилган ўша жиноятларнинг қанчаси киссавурлик билан боғлиқ эканини. Биргина Тошкент шаҳрида 1989 йилнинг 9 ойида вояга етмаганлар томонидан 799 та жиноят содир этилди. Умуман, 6937 та шахсий мол-мулкни ўғирлаш қайд қилинди. Ниҳоятда ташвишли рақамлар, тўғри эмасми? Жиноятларнинг вароуннаҳр миниатюра мактаблари тўғрисида фикр берилган. Хусусан бу мақолаларда Ўрта Осиёдан етишиб чиққан мусаввирларга ўрин берилган. Бунда Ўрта Осиё жаҳоннинг энг қадимий маданий марказларидан бўлганлигини исботловчи далиллар келтирилган. Ўзбек халқи қадимдан тасвирий санъат анъаналарига бой эканлигини муаррихлар ёзиб қолдиришган. Буюк ўтмишдошимиз Беруний Искандар Зул-Қарнайн Ўрта Осиё халқларининг илм-фан хазиналарини ўз мамлакатига олиб кетганини ва кўпгина ажойиб биноларни вайрон этганини ёзган. Археологлар Афросиёбдан VII асрга оид деворий расмларни кашф этиши, Хитой ва араб солномаларининг ўзбек халқининг ўрта асрлардаги тасвирий санъати ҳақидаги маълумотлари, Ўрта Осиёда тасвирий санъат, айниқса миниатюра санъати бўлмаган, деган баъзи мухолиф олимларнинг хулосалари ноўрин эканлигини исботлайди.

Тўпламнинг иккинчи қисмини ташкил қилган мақолаларда ҳозирги замонда ёш ва иқтидорли санъаткорлар ижодий ҳаёти ва ижодий изланишлари ҳақида сўз юритилган. Ҳозирги замонда ёш ва иқтидорли санъаткорлар ижодий изланишлари ва ютуқлари ҳақида ҳеч нарса ёзилмаганлиги ҳам ҳеч ким учун сир эмас